

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

КУРБОНОВ ЭЛДОР РАШИДОВИЧ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЕР МЕЛИОРАЦИЯСИНИ ҲУҚУҚИЙ
ТАРТИБГА СОЛИШ**

12.00.06 – Табiiй ресурслар ҳуқуқи. Аграр ҳуқуқ. Экологик ҳуқуқ

**юрoдик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy(PhD)

Курбонов Элдор Рашидович

Қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини ҳуқуқий тартибга солиш.....3

Курбонов Элдор Рашидович

Правовое регулирование мелиорации земель в сельском хозяйстве.....27

Kurbonov Eldor Rashidovich

Legal regulation of land melioration in agriculture.....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных научных работ

List of published scientific works53

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

КУРБОНОВ ЭЛДОР РАШИДОВИЧ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЕР МЕЛИОРАЦИЯСИНИ ҲУҚУҚИЙ
ТАРТИБГА СОЛИШ**

12.00.06 – Табiiй ресурслар ҳуқуқи. Аграр ҳуқуқ. Экологик ҳуқуқ

**юрoдик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Yu486 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<https://tsul.uz/uz/fan/avtoreferatlar>) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Холмўминов Жуманазар Тоштемирович
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Файзиев Шухрат Хасанович
юридик фанлар доктори, профессор

Усмонов Муҳаммади Баҳриддинович
юридик фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитаси Божхона институти


Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети хузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 26 март соат 10.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (+99871) 233-66-36; факс: (+99871) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).


Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1030-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Амир Темур кўчаси, 13. Тел.: (+99871) 233-66-36).


Диссертация автореферати 2022 йил 9 март куни таркатилди.

(2022 йил 9 мартдаги 3-рақамли қарор баённомаси).




И.Р.Рустамбеков
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор


Д.Ю.Хабибуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар номзоди, профессор


С.С.Гулямов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда озиқ-овқат хавфсизлигини ҳамда дунё аҳолисининг экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш ҳар қачонгидан долзарб бўлиб қолмоқда. Айниқса, глобал инқироз ва пандемия шароитида бунинг аҳамияти янада ортмоқда. Халқаро экспертларнинг фикрига кўра, пандемия оқибатида очарчиликдан қийналаётган аҳоли сони 2 баробарга ошиб, 1 миллиард 600 миллионга етади¹. БМТ маълумотларига кўра, 2050 йилга бориб дунё аҳолиси 10 млрд кишига етади. Ҳозирда дунёдаги мавжуд 8 миллиардга яқин аҳолининг қишлоқ хўжалиги ҳисобига кун кечираётган қисми 2,6 миллиард (33 % дан ортиқ)ни ташкил этаётган вақтда, мавжуд қишлоқ хўжалиги ерларининг 52 % кучли деградацияга учраган². Бу каби глобал масалалар ортидан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш, қишлоқ хўжалиги ерларининг унумдорлигини ошириш ва тупроқнинг “олтин” қисми бўлган унумдор қатламини асраш, қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолати ёмонлашиши билан боғлиқ муаммолар юзага келишини олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш зарурати янада ошади. Шундан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини ҳуқуқий тартибга солиш мавзусида тадқиқот олиб бориш долзарб аҳамият касб этади.

Жаҳонда юз бераётган иқлим ўзгариши ва экологик таҳдидларнинг ортиб бориши иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги соҳаси билан бир қаторда инсониятнинг барқарор келажагига ҳам жиддий хавф туғдиради. Бундай муаммолар даражасининг ортишига қишлоқ хўжалиги ерлари мелиоратив ҳолатининг ёмонлашиши билан боғлиқ ҳолатлар ҳам, табиий ва техноген таъсир натижасида қишлоқ хўжалиги ерларининг шўрланиши, эрозияга учраши, гумус ва озуқа моддалари миқдорининг камайиши, пестицидлар билан зарарланиши, чўлланиши, кабиларнинг ривожланиши ҳам таъсир этмоқда. Ер мелиорациясининг салбий ҳолатга келиши ер ресурслари билан боғлиқ, атроф-муҳит ва бошқа ижтимоий муаммолар каби кўплаб хавфларни келтириб чиқаради³. Юзага келиши мумкин бўлган салбий ҳолатлар таъсирини камайтириш мақсадида табиий ресурсларни муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш, чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш, қишлоқ хўжалиги ерларининг яроқсиз ҳолатга келиши, ер ресурсларининг зарарланиши, қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолати ёмонлашишини юзага келтирувчи омилларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, янгича ёндашув ва илмий-ҳуқуқий ечим асосида самарадор чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Шунга кўра, қишлоқ хўжалигида ер

¹ Мирзиёев Ш.М. Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси вакиллари учун катта синов ва кенг имкониятлар йили // Қишлоқ хўжалиги тармоқларини янада ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишидаги нутқи. 2020 йил 14 апрель. <https://president.uz/uz/lists/view/3500>

² <https://www.un.org/sustainabledevelopment/hunger/>

³ Hua Y. Legal Regulation of Land Reclamation in China's Coastal Areas // Coastal Management. – 2014. – Т. 42. – №. 1. – С. 59-79.

мелиорациясини ҳукуқий тартибга солиш борасидаги муносабатларни такомиллаштириш ҳам зарур бўлмоқда.

Республикада аграр соҳани ҳар томонлама ривожлантиришга, қишлоқ хўжалиги ерларининг ҳосилдорлигини ошириш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилган кенг кўламли ҳукуқий ислохотлар, концептуал аҳамиятга эга бўлган узоқ муддатли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу бевосита қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг давлатимиз учун иқтисодий, ижтимоий, экологик аҳамиятидан келиб чиқиб амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалиги ерларида етиштирилаётган маҳсулотлар аҳоли моддий турмуш тарзини яхшилаш, кундалик эҳтиёжларини қондириш билан биргаликда давлат иқтисодиётининг юксалишига замин бўлмоқда. Хусусан, 2019 йилда қишлоқ хўжалиги соҳасининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидagi улуши 17 фоизни ташкил этган бўлса¹, 2021 йил 1 июнь ҳолатига кўра, қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 25,1 фоизни, аҳоли бандлигининг 27 фоизи қишлоқ хўжалиги тармоғига тўғри келган². Шу билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги Ўзбекистон стратегияси” номли асарида “Қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш”, “Сув ресурслари самарадорлигини ошириш”³га миллий иқтисодиётни ривожлантириш омили сифатида урғу берилган бўлса, “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да тупроқ унумдорлигини ошириш ва муҳофаза қилиш⁴ долзарб вазифа эканлиги белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги (1992), “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги (1993), “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги (2004), “Ўрмон тўғрисида”ги (2018), “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги (2021), Ер кодекси (1998), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ–5853-сон, 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ–6024-сон фармонлари, 2021 йил 24 февралдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ–5006-сон қарори ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни муайян даражада амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти хизмат қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган Илмий-оммабоп қўлланма. И.У. Мажидов, Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш., Мустафақулов Ш.И. ум. таҳ. остида. Т.: “Маънавият”. 2019. – 148 б.

² Иқтисодий фаолият турлари кесимида Ўзбекистон Республикасининг ялпи ички маҳсулоти ҳажми. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/national-accounts-2>

³ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон Стратегияси. - Тошкент. “Ўзбекистон”. 2021. 464 бет.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида тўғрисида”ги Фармони // www.lex.uz

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.

Республикада олиб борилаётган ер билан боғлиқ ислохотларнинг негизида улардан оқилона ва самарали фойдаланилишини таъминлаш билан биргаликда атроф – муҳитни муҳофаза қилиш масаласи ҳам туради. Атроф – муҳит муҳофазасини таъминлаш маълум бир давлат миқёсида эмас балки, бутун дунё давлатлари олдидаги устувор вазифалардандир. Атроф – муҳитни муҳофаза қилиш бу – ҳар бир табиий ресурсга нисбатан жумладан, ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик дунёси ва бошқа табиий ресурсларнинг хусусияти ва фойдаланилиши жараёнларидан келиб чиқиб амалга ошириладиган комплекс чора – тадбирлардир. Ер ресурсларини муҳофаза қилиш, уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш орқали ҳам атроф – муҳит муҳофазаси таъминланади. Демак, қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини ҳуқуқий тартибга солиш давлатимизнинг устувор вазифаларидан ҳисобланган атроф – муҳит муҳофазасига эришиш мақсадига мос келишини эътироф этиш мумкин.

Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ушбу диссертация иши бугунги кунда долзарб масалага бағишланган бўлиб, илмий-амалий таҳлил асосида муҳим масалаларни очиқ беришга катта эътибор берилган.

Ер ҳуқуқининг таркибий қисми бўлган қишлоқ хўжалигида ер мелиорацияси билан боғлиқ адабиётларни, амалга оширилган илмий изланишларни қуйидаги асосий икки йўналишга бўлиш мумкин:

Биринчи йўналиш: қишлоқ хўжалигида ер мелиорацияси билан боғлиқ бўлган масалалар ёритилган раҳбарий манбалар яъни, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, маъруза ва нутқларида мазкур тадқиқот ишининг методологик ва концептуал жиҳатлари тизимли тарзда ёритиб берилган. Уларда қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолати қай даражада эканлиги, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш билан боғлиқ масалалар юзасидан концептуал аҳамиятга эга бўлган ғоя ва фикрлар мавжуд.

Иккинчи йўналиш: Бугунги кунда ҳуқуқшунослик фанлари орасида ерларнинг ҳуқуқий ҳолати билан боғлиқ, ерларни муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш, уларнинг мелиоратив ҳолати билан боғлиқ ҳуқуқий масалаларни илмий – тадқиқ этишга бағишланган диссертация ишлари, монография, ўқув – қўлланмалари ва кўплаб мақолалар яратилган. Муайян тадқиқотларда қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ масалалар ўз ишларининг айрим қисми сифатида кўриб чиқилганлигини учратиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида таниқли, эколог-ҳуқуқшунос олимлар Й.О. Жўраев, М.Б. Усмонов, Ж.Т.Холмўминов, Ш.Ҳ. Файзиев, Н.К. Скрипников, М.Р. Мирзаабдуллаева, Ш.О. Бобоқулов, Г.Ш. Узакова,

Р.Х. Кенжаев, М.М. Нурматовлар¹ томонидан ер ресурсларининг ҳуқуқий ҳолати, қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган илмий – амалий тадқиқотлар олиб борилган бўлса, МДҲ давлатларида Г.В. Атаманчук, М.М. Бринчук, О.С. Колбасов, Т.Н. Зацепена, И.А.Иконицкая, Н.И. Краснов, Н.В.Сторожев, И.С. Иващук, С.Д. Иосифиди, Е.Л. Минина, Н.Н. Новицкая, А.А. Герасимов, Е.С. Пышьева² ва бошқаларнинг илмий изланишларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Хорижлик олимлардан В.С. Meyer, М. Schindewolf, Т. Ghawana, J. Sargent, R.M. Bennett, J. Zevenbergen, J. Yang, L. Wang, R. Liu, Z. Liu, Y. Gu, N.H. Ghazali, M. Illáš, Н.К. Adriansen, G.S. Bhunia, U. Chatterjee, P.K. Shit, С. Gutzler, K. Helming, D. Balla, R. Dannowski, R.D. Fish, A.A.R. Ioris, N.M. Watson, M. Galli, E. Bonari, S. Lardon, Н. Takashi, N. Taketo, В. Daisuke, К. Kida, Y. Ibori, М. Kawahigashi, F. Schneider³ ва бошқалар мавзу предмети доирасида ўз илмий-тадқиқот ишларини амалга оширганлар.

Таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалиги ерларининг ҳуқуқий ҳолати, улардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш билан боғлиқ илмий изланишлар олиб борилган бўлсада лекин, мустақиллик йилларида янги бозор иқтисодиёти талаблари шароитида республикада қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини ҳуқуқий тартибга солишнинг илмий – назарий масалалари эколог-ҳуқуқшунос олимлар томонидан махсус илмий тадқиқот иши сифатида тадқиқ этилмаган. Айниқса, кейинги йилларда мамлакатимизда бу масалага эътибор тобора кучайиб бораётганлигидан келиб чиқиб бу борадаги муаммоларни илмий тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Тадқиқот ишининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик университети Кенгашининг 2020 йил 29 декабрдаги (3-сон баённома) мажлисида тасдиқланган ва университет илмий-тадқиқот режалари дастурига киритилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини ҳуқуқий тартибга солиш зарурати ва ўзига хос хусусиятларини очиб бериш, ер мелиорациясининг маъно-мазмунини илмий-назарий жиҳатдан комплекс равишда ўрганиш, таҳлил қилиш, қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиорацияси билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солувчи қонун ва қонуности

¹ Жураев Ю.А. Право и управление в области использования и охраны природной среды Республики Узбекистан: Автореф. дисс. ... докт. юрид. наук. – М.: ИПП, 1996. – С.32-33.; Холмўминов Ж.Т. Экологик таҳдидларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ҳуқуқий муаммоларининг илмий-назарий таҳлили. Монография. Тошкент. ТДЮУ. 2016. – Б. 91; Мирзаабдуллаева М.Р. Қишлоқ хўжалигида ер назорати: қонун ва амалиёт./Монография.– Тошкент: ДЮУ, 2020. – Б. 88; Узакова Г.Ш. Аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий масалалари. /Монография. – Тошкент: ТДЮУ, 2021. – Б. 133; . Кенжаев Р.Х. Ўзбекистонда ерларни муҳофаза қилишни ҳуқуқий таъминлаш. – Тошкент: ТДЮУ, 2020. – Б. 120. Мазкур илмий тадқиқот ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

² Мазкур олимларнинг илмий тадқиқот ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

³ Мазкур олимларнинг илмий тадқиқот ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

ҳужжатларини тадқиқ этиш ва уларни назарий ва амалий жиҳатдан такомиллаштириш бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари.

қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясининг ҳуқуқий тушунчаси, мақсади, вазифаси ва принципларининг назарий-ҳуқуқий таҳлил қилиш;

қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини ҳуқуқий тартибга солиш ривожланиши босқичларини тадқиқ этиш;

қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини ҳуқуқий тартибга солиш зарурати ва замонавий қонунчилик ҳолатининг юридик табиатини очиб бериш ва таснифини ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши – аграр ҳуқуқий ислохотлар йўналиши сифатидаги мазмун-моҳиятини очиб бериш ва аҳамиятини ўрганиш;

қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини ҳуқуқий тартибга солишда МДҲ давлатлари тажрибасини ўрганиш асосида Ўзбекистонда ушбу давлатлар тажрибасини миллий қонунчиликда қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини ҳуқуқий тартибга солишда ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини назарий-ҳуқуқий таҳлил қилиш ҳамда хорижий давлатлар тажрибаси бўйича қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар тайёрлаш;

қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясига доир қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ва уларни қўллаш амалиётини ривожлантиришга доир тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти. Қишлоқ хўжалигида ер мелиорацияси билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий муносабатлар, ушбу муносабатларни тадқиқ этишга қаратилган илмий муаммолар тадқиқотнинг объекти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети. Қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатлари, уларни қўллаш амалиёти, халқаро тажриба, ер мелиорацияси борасидаги олимларнинг назарий-ҳуқуқий қарашлари тадқиқотнинг предмети ташкил қилади.

Тадқиқот усуллари. Кузатиш, қиёсий, ҳуқуқий, статистик таҳлил қилиш, статистик маълумотларни тизимли-манتيқий таҳлил қилиш, амалиёт натижаларини умумлаштириш каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан оқилона ва самарали фойдаланилишини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва ўрмон фонди ерлари инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик асосида ижарага берилиши зарурлиги асослантирилган;

озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш вазифасидан келиб чиқиб суғориладиган ерларни қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадлар учун ажратишга йўл қўйилмаслиги илмий-ҳуқуқий жиҳатдан асослантирилган;

алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерларнинг экологик-иқтисодий аҳамиятини инобатга олган ҳолда улар махсус муҳофаза

қилиниши ва уларнинг суғорилмайдиган ерлар жумласига ўтказилишига йўл қўйилмаслиги асослаб берилган;

қишлоқ хўжалиги кооперативларига маҳаллий ҳокимликлар захирасидан ажратилмайдиган ер майдонларини ўзлаштириш учун тегишли ташкилий, иқтисодий чораларни амалга оширишнинг ҳуқуқий тартиби илмий-назарий ва ҳуқуқий жиҳатдан асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва ўрмон фонди ерлари инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик асосида ижарага берилиши бўйича билдирилган таклифлар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва ўрмон фонди ерларидан фойдаланишда ижара муносабатларининг такомиллашувига ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасига инвестициявий ва давлат-хусусий шериклик тартиб-таомилларини жорий этилишига хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг аҳамияти ва муҳимлигидан келиб чиқиб, суғориладиган ерлардан бошқа мақсадларда фойдаланилишига йўл қўйилмаслиги муҳим аҳамиятга эга. Суғориладиган ерлардан ўз мақсадида фойдаланилишининг ҳуқуқий кафолати нафақат аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришга балки, аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Глобал иқлим ўзгариши шароитида қишлоқ хўжалиги ерларининг чўлланиши, деградацияга учрашини олдини олишга дунё ҳамжамияти томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда¹. Давлатимиз томонидан ҳам бу борада муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Суғориладиган ерлар ҳуқуқий муҳофазасининг такомиллаштиришга қаратилган ер-ҳуқуқий ислохотлар шулар жумласидандир. Алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар махсус муҳофаза қилиниши ва уларнинг суғорилмайдиган ерлар жумласига ўтказилишига йўл қўйилмаслиги билан боғлиқ тартибнинг қатъийлаштирилиши ўз навбатида минтақамизда қишлоқ хўжалиги ерларининг чўлланиши билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишга асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 февралдаги 109-сон қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга киритишда ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш тартиби тўғрисида”ги низомни такомиллаштириш бўйича билдирилган таклифлар қишлоқ хўжалигида мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш харажатларини қоплаш тартибини аниқлаштириш шунингдек, фойдаланишга киритилаётган ирригация ва мелиорация объектларининг номи, ер майдони, қуввати, уларнинг дастлабки қиймати ва лойиҳа ташаббускорлари номини аниқ белгилаш, сув таъминоти оғир ҳудудлардаги аҳоли томорқалари ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонларини суғоришга оид туман

¹ McCormack Sh. Climate change and animal agriculture: federal actions protect the biggest contributors from the disasters they cause// Environmental Law, Vol. 51, No. 3 (2021), pp. 745-769.

(шаҳар) манзилли рўйхатини шакллантириш тартибининг такомиллашувига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ва миллий қонунчилик нормалари, қонунни қўллаш амалиёти, ривожланган давлатлар тажрибаси, эмперик ва статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, юзага келган илмий хулоса, таклиф ва тавсиялар ваколатли давлат органларининг тегишли ҳужжатлари билан расмийлаштирилган ҳамда амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини ҳуқуқий тартибга солишга оид илмий-назарий қарашларни бойитишда, тадқиқот ишидаги натижалар, амалий таклиф ва унда илгари сурилган тавсиялардан келгусида қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, қишлоқ хўжалиги ер мелиорацияси билан боғлиқ муаммоларни янада чуқурроқ ўрганишда, бу борадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда ҳамда “Ер ҳуқуқи”, “Аграр ҳуқуқ” фанларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишда, қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида илмий изланишлар олиб бориш, олий таълим муассасалари ўқув жараёнларида, ўқув ва методик қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясига доир қонун ҳужжатларини тайёрлаш ҳамда қонунни қўллаш амалиётини такомиллаштириш жараёнида, олий юридик таълим муассасалари ўқув жараёнида қўлланилаётганлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва ўрмон фонди ерлари инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик асосида ижарага берилиши ҳақидаги таклифдан Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 16 августдаги “Ер участкаларини ажратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек ерларни ҳисобга олиш ва давлат ер кадастрини юритиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ – 708-сонли қонунининг 6-моддаси ўн олтинчи бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган. Ушбу таклиф Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги Ер кодексининг 24¹-моддасида ўз ифодасини топган (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2020 йил 27 ноябрдаги 04/4-06-78-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 10 декабрдаги 10-11/4-сонли далолатномалари*). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларининг инвестиция шартномаси, давлат-хусусий шериклиги асосида ривожланишига хизмат қилган;

суғориладиган ерларни қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадлар учун ажратишга йўл қўйилмаслигига қаратилган таклиф Ўзбекистон Республикасининг

2021 йил 16 августдаги “Ер участкаларини ажратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек ерларни ҳисобга олиш ва давлат ер кадастрини юритиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ – 708-сонли қонунининг 6-моддасининг йигирма учинчи бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган. Ушбу таклиф Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги Ер кодексининг 44-моддасида ўз ифодасини топган (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2020 йил 27 ноябрдаги 04/4-06-78-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 10 декабрдаги 10-11/4-сонли далолатномалари*). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши суғориладиган ерлардан ўз мақсадларида фойдаланилишини таъминлашга хизмат қилган;

алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар махсус муҳофаза қилиниши ва уларнинг суғорилмайдиган ерлар жумласига ўтказилишига йўл қўйилмаслиги билан боғлиқ таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 16 августдаги “Ер участкаларини ажратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек ерларни ҳисобга олиш ва давлат ер кадастрини юритиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ – 708-сонли қонунининг 6-моддасининг йигирма тўртинчи бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган. Ушбу таклиф Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги Ер кодексининг 45-моддасида ўз ифодасини топган (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2020 йил 27 ноябрдаги 04/4-06-78-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 10 декабрдаги 10-11/4-сонли далолатномалари*). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган қишлоқ хўжалик ерларининг ҳуқуқий муҳофазасининг кучайтирилишига хизмат қилган;

қишлоқ хўжалиги кооперативларига маҳаллий ҳокимликлар захирасидан ажратилган ер майдонларини ўзлаштириш учун ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари харажатларининг бир қисмини қоплашга зарур қўшимча маблағлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ажратилиши, фойдаланишга киритилаётган ирригация ва мелиорация объектларининг номи, ер майдони, қуввати, уларнинг дастлабки қиймати ва лойиҳа ташаббускорлари номини аниқ белгилаш, туман (шаҳар) манзилли рўйхатини шакллантиришда вертикал суғориш қудуклари бурғуланадиган сув таъминоти оғир бўлган маҳалла фуқаролари йиғинлари, аҳоли хонадонлари, шунингдек, қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонлари тўғрисидаги маълумотлар инобатга олинишини белгилашга доир таклифдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 февралдаги 109-сон қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга киритишда ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш тартиби тўғрисида”ги низомнинг 6-банди иккинчи хатбошисини, 8-банди иккинчи хатбошисини, 10¹-банди иккинчи хатбошисини ишлаб чиқишда фойдаланилган

(Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2020 йил 1 декабрдаги 12/20-27-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг амалда татбиқ этилиши қишлоқ хўжалиги кооперативларини ер майдонларини ўзлаштиришганлик учун рағбатлантиришига, шакллантирилаётган манзилли дастурларнинг мукамал бўлишига ҳамда суғориш учун вертикал суғориш қудуқларини бурғулаш ва ишга тушириш бўйича талабгорларнинг аниқлаш механизмининг такомиллашувига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 2 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, диссертациянинг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 9 та (шундан 1 таси хорижий журналларда), тўпламларда 9 та мақола ва тезислар (шундан 1 таси хорижий журнал, 2 таси халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўпламида) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, саккизта параграфни ўз ичига олган 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш (диссертация аннотацияси)** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан алоқаси, унинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини ҳуқуқий тартибга солишнинг умумий тавсифи”** деб номланган биринчи бобида қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини ҳуқуқий тартибга солиш тушунчаси, мақсади, вазифаси, қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясининг турлари, принциплари, қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясининг ривожланиш тарихи, қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини ҳуқуқий тартибга солиш зарурати ва амалдаги қонунчилик ҳолати таҳлил қилинган.

Қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш давомида ўз-ўзидан уларнинг муҳофазасига эҳтиёж сезилади. Боиси, қишлоқ хўжалиги ерларидан доимий равишда фойдаланилиши ҳамда улардан нооқилона фойдаланилиши қишлоқ хўжалиги ерларига жиддий таъсир қилиб, уларнинг ҳолати ёмонлашишига олиб келади. Юзага келган бундай салбий ҳолатларни олдини олиш ва салбий таъсир даражасини камайтириш, оқибатларни бартараф этиш мақсадида қишлоқ хўжалигида ер мелиорация тадбирлари амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги ерларини ҳуқуқий муҳофазасини таъминлашда қишлоқ хўжалигида ер мелиорацияси ҳуқуқий тартибга солиш муҳим аҳамият касб этади. Қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини ҳуқуқий тартибга солиш илмий-назарий таҳлил қилинганда ҳуқуқий тартибга солиш натижасида “ер муҳофазаси таъминланади” ёки “тупроқ унумдорлигини оширилади” деган турли ёндашувлар мавжуд.

Қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини ҳуқуқий тартибга солиш тушунчаси ва моҳияти юзасидан олимларнинг фикр мулоҳазалари ўрганилиб, қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини ҳуқуқий тартибга солиш натижасида ер ҳуқуқий муҳофаза қилиниши, тупроқ унумдорлигини ошириш пировард натижада ер муҳофазасига олиб келиши аниқланди.

Хусусан, қишлоқ хўжалигида ер мелиорацияси – қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг табиий шароити ва тупроқ ҳолатини тубдан яхшилаб ҳосилдорлигини таъминлашга, ернинг табиий, атропоген таъсир натижасида таркиби ва ҳолати ўзгаришини олдини олиш, уни бартараф этишга қаратилган ер муҳофазасига оид ташкилий-бошқарув, иқтисодий тадбирлар мажмуи. Қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини ҳуқуқий тартибга солиш – бу айнан ер мелиорацияси билан боғлиқ бўлган муносабатларга ҳуқуқ ёрдамида (қонун нормалари асосида) умуммажбурий тарзда тартибга солиш мақсадида таъсир этиш жараёни тушунилади.

Шунингдек, мазкур бобда қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини ҳуқуқий тартибга солишда ер мелиорациясининг турлари ва принципларини алоҳида ажратган ҳолда ҳуқуқий тартибга солишдаги аҳамиятининг муҳимлиги асосланган.

Тадқиқотда қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини ҳуқуқий тартибга солиниши тарихига алоҳида эътибор қаратилиб, ривожланиш тарихини ҳар бир даврдаги ўзига хослигидан келиб чиқиб қуйидагича даврларга бўлиб ўрганишни таклиф этилди:

Биринчи давр – 1917 йилгача бўлган давр (қишлоқ хўжалиги ер мелиорацияси ҳуқуқий тартибга солишнинг шаклланиши). **Иккинчи давр** – 1917-1990 йиллардаги давр (қишлоқ хўжалиги ер мелиорациясига доир қонун ҳужжатларининг ривожланиши). **Учинчи давр** – 1991-2006 йиллардаги давр (қонун ҳужжатлари ривожининг такомиллашуви даври). **Тўртинчи давр** – 2006 йил ва ундан кейинги йиллар (қонун ҳужжатлари ривожининг замонавийлашуви ва демократлашуви даври).

Қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясига оид қонунчилик тўлиқ тадқиқ этилиши натижасида мазкур қонунчилик комплекс тусдаги ер ҳуқуқи, экология ҳуқуқи, қишлоқ хўжалик ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, молия ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуққа оид қонунчиликни ўз ичига олган ер муҳофазаси институтининг субинститути ҳисобланиши асослантирилди ҳамда ҳуқуқий тартибга солиш объекти эканлиги, ҳуқуқий тартибга солиш зарурати исботланди. Хусусан, қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясига доир тадбирлар ягона қонунчилик билан бир тизимга келтирилмаган, бу борада ягона бир қонун ҳужжати мавжуд эмас, амалдаги қонунчилик базаси тарқоқ ҳолдалиги,

қишлоқ хўжалигида ер мелиорацияси тадбирлари натижасида бевосита қишлоқ хўжалиги ривожланиши ва юқори ҳосилдорликка эришилиши, бу муносабатнинг ҳуқуқий тартибга солинишининг такомиллаштирилиши давлат, жамият манфаатлари учун зарур аҳамият касб этади, бу борадаги муносабатларни қонунчиликнинг тегишли нормаларини ишлаб чиқиш ва қўллаш орқали тартибга солиниши, қишлоқ хўжалиги ерларидан оқилона фойдаланилиши ва муҳофаза қилинишини таъминлайди.

Қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини ҳуқуқий тартибга солишдаги қонунчилик ҳолати Ўзбекистон Республикасининг кодекс ва қонунлари (ер, аграр, сув ва экологик қонунлар), Ўзбекистон Республикасининг турли хил қонуности ҳужжатлари асосида таҳлил қилинган.

Таҳлил ва тадқиқотлар натижасида мазкур бобда назарий жиҳатдан “қишлоқ хўжалигида ер мелиорацияси”, “қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини ҳуқуқий тартибга солиш” тушунчаларига муаллифлик таъриф берилди, қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини ҳуқуқий тартибга солиш мақсади ва вазифаси аниқлаштирилди; қишлоқ хўжалигида ер мелиорацияси турлари ва принципларига ойдинлик киритилди; Ер кодексини ер мелиорациясига оид нормалар билан такомиллаштириш; Ўзбекистон Республикасининг “Ўрмон тўғрисида”ги қонунини ўрмон мелиорацияси билан боғлиқ такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигида ер мелиорация чоратадбирларини тўлиқ ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Ер мелиорацияси тўғрисида”ги қонуни қабул қилиш кераклиги асослантилган ва қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб диссертацияга илова қилинган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини амалга оширишда давлатнинг маъмурий механизми”** деб номланиб, унда бугунги кундаги аграр ҳуқуқий ислохотлар, аграр ҳуқуқий ислохотлар йўналиши сифатида қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, қишлоқ хўжалиги ер мелиорациясида давлат назоратининг ўрни тадқиқ этилган.

Муаллифнинг фикрича, қишлоқ хўжалигида ер мелиорацияси ўзининг характерига кўра икки йўналишда яъни, ер муҳофазаси ва тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича амалга оширилади ҳамда бу борада давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ҳам мана шу икки йўналишга йўналтирилган. Лекин амалдаги қонунчиликда қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг намоён бўлиши бўйича аниқ тушунтириш берилмаган. Ер мелиорациясини давлат томонидан қўллаб-қувватланиши бу борада қабул қилинган турли қонуности ҳужжатларида ўз аксини топган.

Қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини давлат томонидан қўллаб-қувватланиши учта таркибий қисмга ажратиш мумкин:

Биринчидан, қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳуқуқий асосларни яратиш.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалигида ер мелиорация чора-тадбирларини молиявий қўллаб-қувватлаш.

Учинчидан, иқтисодий рағбатлантириш.

Муаллиф томонидан қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини амалга ошириш давлат аграр сиёсатининг муҳим таркиби сифатида бу жараёнларга бугунги кун талабларидан келиб чиқиб фуқаролик жамиятининг мустақил институтларининг роли ва ўрнини кенгайтириш зарурлиги таъкидланади. Хусусан, қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолатини мониторинг қилишда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши фаол иштирок этиши мақсадга мувофиқ. Бу қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолати устидан жамоатчилик назоратини таъминланишига хизмат қилади.

Шунингдек, бу жараёнларда Сув истеъмолчилари уюшмалари роли ва вазифаси ривожлантириш зарурлиги асосланган.

Муаллиф фикрига кўра, қишлоқ хўжалиги ер мелиорацияси соҳасидаги давлат бошқаруви бу – ваколатли давлат органларининг қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида ерларнинг таркиби ва сифатини, унумдорлигини таъминлаш, ҳуқуқ субъектларининг фаолиятини шу мақсадларга йўналтиришга қаратилган ташкилий фаолияти ҳисобланади.

Мазкур бобда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида фаолият олиб борувчи давлат органларини икки гуруҳга ажратиб таҳлил қилинган:

Умумий ваколатли давлат органлари: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари; Махсус ваколатли давлат органлари: Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги кабилар кирди.

Муаллиф фикрига кўра, қишлоқ хўжалигида ер мелиорацияси соҳасида давлат бошқаруви органларининг энг муҳим вазифаларидан бири бу – давлат назоратини таъминлашдир. Ер мелиорацияси борасида назоратни амалга ошириш давлатнинг ер ҳуқуқий муҳофазаси борасидаги функциясининг таркибий қисми ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ер мелиорацияси юзасидан давлат назорати ер мелиорациясининг ташкил қилиниши ва мелиорацияланган ерлардан оқилона фойдаланилишини таъминлайди. Ер мелиорацияси соҳасида давлат назорати икки хил кўринишда амалга оширилади: ер мелиорация чора-тадбирларининг амалга оширилиши устидан давлат назорати; мелиорацияланган ерлардан оқилона ва самарали фойдаланилиши устидан давлат назорати.

Бундан ташқари, ушбу бобда муаллиф томонидан қишлоқ хўжалигида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш билан боғлиқ бўлган муносабатларда асосан давлат назоратининг ер мелиорацияси мониторинги, экспертиза, ер мелиорацияси кадастрини юритиш каби шакллари таҳлил этилган.

Ер мелиорацияси соҳасида мониторинг бу – ерларнинг мелиоратив ҳолатининг қай даражада эканлигини аниқлаш, унинг ҳолатини баҳолаш, бунга олиб келган сабаблар ва уларни таҳлил қилиш жараёнларини қамраб олган давлат назоратини олиб боришнинг бир кўриниши; *Ер мелиорацияси соҳасидаги экспертиза* – мелиоратив объектларни куриш ва реконструкция қилиш, шунингдек магистрал коллекторларни таъмирлаш ва тиклаш бўйича техник-иқтисодий ҳисоб-китоб, ишчи лойиҳалар ва иш ҳужжатлари белгиланган тартибда ўрганилиши; *Қишлоқ хўжалигида ер мелиорация кадастри* – ер мелиорацияси билан боғлиқ умумий ва тўлиқ маълумотларни жамлаш, уларнинг ҳисоби юритилишини таъминлашга қаратилган давлат назоратининг шаклидир.

Тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонунига ўзгартириш бўйича, Ўзбекистон Республикасининг “Агрокластерлари тўғрисида”ги Қонунини қабул қилиш бўйича таклифлар берилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурида Ер мелиорацияси Агентлигини ташкил қилиш, қишлоқ хўжалиги ер мелиорациясида алоҳида ўринга эга бўлган агроўрмон мелиорация тадбирларини амалга оширилишини назорат қилинишини (уларнинг ҳисобини юритилишини) таъминловчи механизмни амалиётга жорий этиш, “Ер мелиорацияси кадастри”ни юритиш зарурати асосланган.

Диссертациянинг учинчи бобида **“Қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини ҳуқуқий тартибга солишга оид хорижий давлатлар тажрибаси ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш”** ҳақида сўз юритилган бўлиб, ушбу бобда айрим МДХ ва бошқа хорижий давлатларнинг қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини ҳуқуқий тартибга солишга доир тажрибаси ва қонунчилиги таҳлили, қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини ҳуқуқий тартибга солишга оид қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари ўрганилган.

Ушбу бобда Россия, Украина, Беларусия, Озарбайжон, Туркменистон, Тожикистон, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова каби МДХ давлатлари ҳамда Япония, Хитой, Грузия, Латвия, Литва, Эстония, Исроил, Германия каби бошқа хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилган ва таҳлил қилинган.

Муаллиф томонидан МДХ ва бошқа хорижий давлатлар тажрибаси ушбу давлатларда қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясининг алоҳида қонун билан ва турли соҳа қонунлари билан тартибга солинишидан келиб чиқиб таҳлил қилинган.

Хусусан, Япония, Хитой, Грузия, Латвия, Литва, Россия, Украина, Беларусия, Озарбайжон, Эстония каби давлатларда қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган махсус қонунлар қабул қилинган бўлса, Исроил, Германия, Тожикистон, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, каби давлатлар ер, сув, экология соҳасидаги бошқа қонунлар билан тартибга солинган.

Мазкур бобда тадқиқотчи томонидан қишлоқ хўжалигида ер мелиорация тадбирларини амалга оширишда атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш зарурлиги асослантилган ҳамда МДХ давлатларининг ижобий тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунига “Ер мелиорация тадбирларини амалга ошириш пайтидаги экологик талаблар” деб номланган алоҳида модда киритилиши таклиф этилган.

Шунингдек, мелиорация тадбирларини олиб боришда белгиланган қонун талабларини бузганлик учун жавобгарлик масалалари ҳам таҳлил қилинган.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қишлоқ хўжалиги мелиорация иншоотларидан фойдаланиш жараёнида уларга шикаст етказилиши ёки уларни яроқсиз ҳолатга келтирганлик учун жавобгарлик белгиланиши зарурати асосланган.

Қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясига доир ҳудудий ва давлат дастурларини шакллантиришнинг очик ва шаффоф тизимини яратиш ҳамда ҳудудий мелиорация дастурларини шакллантиришда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг иштирокини таъминлаш механизмини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқлиги ўрганилган. Чунончи, хорижий давлатларнинг маҳаллий депутатлар кенгашининг ваколатлари сифатида ер мелиорацияси бўйича ҳудудий дастурларни тасдиқлаш ва уларни ижросини назорат қилиш, ер мелиорацияси бўйича давлат дастурларини амалга оширишда ва қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширишда иштирок этиши борасида тажрибаси тадқиқ этилган.

Амалдаги қонунларимизда мелиорация тизимларига нисбатан фойдаланиш тартибининг аниқ белгиланмаганлиги улардан фойдаланишда айрим муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шундан келиб чиқиб, мелиорация тизимларини давлат, маҳаллий, хўжаликлараро ва ички хўжалик аҳамиятидаги мелиорация тизимларига ажратиш ҳамда ички хўжалик мелиорация тизимларини қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланувчиларга бириктириш механизмини жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари, рақамлаштириш ва автоматлаштириш ҳар бир соҳа ривожининг муҳим омили эканлигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида ҳамма учун очик бўлган **meliorasiya.uz** ва унинг **мобиль иловасининг** дастурий таъминотини ишлаб чиқиш ва ишга тушириш юзасидан таклифлар қайд этилган.

Шу билан биргаликда, қишлоқ хўжалигида ер мелиорацияси чора-тадбирларига сунъий интеллект имкониятларидан самарали фойдаланиш асослантилган ва “**smart water system**” технологияларини амалиётга жорий этиш юзасидан таклифлар билдирилган.

ХУЛОСА

Қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини ҳуқуқий тартибга солиш борасида ўтказилган диссертация тадқиқоти натижалари бўйича қуйидаги умумназарий хулосалар ва қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга оид таклифлар шакллантирилди:

I. Илмий – назарий хулосалар:

1.1. Қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини ҳуқуқий тартибга солишнинг назарий-методологик асослари ҳамда илмий қарашлари ўрганилиб, бир қатор тушунчаларга муаллифлик таърифлари берилди:

Қишлоқ хўжалигида ер мелиорацияси – қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларининг табиий шароити ва тупроқ ҳолатини тубдан яхшилаб ҳосилдорликни таъминлашга, ернинг табиий, атропоген таъсир натижасида таркиби ва ҳолати ўзгаришини олдини олиш, уни бартараф этишга қаратилган ер муҳофазасига оид ташкилий-бошқарув, иқтисодий тадбирлар мажмуи.

Қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини ҳуқуқий тартибга солиш – бу айнан ер мелиорацияси билан боғлиқ бўлган муносабатларга ҳуқуқ ёрдамида (қонун нормалари асосида) умуммажбурий тарзда тартибга солиш мақсадида таъсир этиш жараёни тушунилади.

Қишлоқ хўжалигида ер мелиорацияси соҳасидаги давлат бошқаруви бу – ваколатли давлат органларининг қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида ерларнинг таркиби ва сифатини, унумдорлигини таъминлаш, ҳуқуқ субъектларининг фаолиятини шу мақсадларга йўналтиришга қаратилган ташкилий фаолиятдир.

Қишлоқ хўжалигида ер мелиорацияси соҳасида давлат назорати бу – давлат органларининг ер мелиорацияси соҳасидаги хўжалик субъектларининг фаолиятини кузатиш, ердан фойдаланувчилар томонидан ер мелиорациясини яхшилаш ва мелиорацияланган ерлардан фойдаланиш талабларига риоя қилинишини кузатиб бориш, ер мелиорациясига доир қонунчилик нормалари, талаблари бузилиши сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш, уларни бартараф қилиш, уларни олдини олиш борасидаги фаолияти тушунилади.

1.2. Қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини ҳуқуқий тартибга солишнинг вазифа ва мақсади аниқлаштирилди. Унга кўра:

Қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини ҳуқуқий тартибга солишнинг вазифаси ер мелиорациясига оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солинишини таъминлаш, қонун ҳужжатларини тизимлаштириш ва ягона ҳуқуқий механизмни яратишдан иборат.

Қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини ҳуқуқий тартибга солиш мақсади ер мелиорацияси билан боғлиқ муносабатларга ҳуқуқий таъсир этиш, соҳадаги қонун нормаларини аниқ ва бир хилда қўллаш, бу борадаги қонунчиликни ривожлантириш ва такомиллаштиришдан иборат.

1.3. Қишлоқ хўжалигида ер мелиорацияси борасидаги асосий принциплар шакллантирилди. Қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясига оид махсус принциплар сифатида қўйидагиларни эътироф этиш мумкин:

ер мелиорацияси бевосита давлат томонидан бошқарилиши ва тартибга солиниши;

мелиорация тизимларини давлат рўйхатига олинishi;

ер мелиорациясини яхшилаш чора-тадбирларини амалга оширишда экологик хавфсизликни таъминлаш;

ер мелиорация чора-тадбирларини илмий ва экологик жиҳатдан асослаш;

ер мелиорация иншоотларини қуриш ва таъмирлашда янги технологиялардан фойдаланиш;

ердан фойдаланувчиларнинг ер мелиорациясига доир талаб ва қоидаларга риоя қилишлари принципи.

1.4. Қишлоқ хўжалигида ер мелиорациясини турларга ажратиш ер мелиорациясини ҳуқуқий тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади. Қишлоқ хўжалигида ер мелиорацияси турларидан келиб чиқиб ҳуқуқий тартибга солиш зарурати аниқлаштирилади. Қишлоқ хўжалигида ер мелиорацияси қуйидаги турларга ажратилади:

гидромелиорация – бунда сувдан мақсадли фойдаланиш ва суғориш тизимларидан мақсадли фойдаланиш, сувдан самарали фойдаланиш, сизот сувлар юзасини кўтаришга сабаб бўлувчи сув исрофгарчилигига барҳам бериш, ирригация – дренаж тизимларини ишлашини таъминлаш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш ҳисобига ер мелиорацияси яхшиланади;

